

ЎЗБЕКИСТОН МОЛИЯ БОЗОРИДА ИСЛОМИЙ МИКРОМОЛИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Отамуродов Жасур Йўлдошевич

Ўзбекистон Республикаси Банк молия академияси магистранти.

E-mail: jasurotamurodov1979@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13895264>

Аннотация. Мақолада хозирги глобал дунёда жаҳон иқтисоди ва тез суръатлар билан ривожланаётган Ўзбекистон молия бозорида исломий микро молия ташкилотлариниг ўрни ва аҳамияти, ривожланиши тенденциялари, қонуний асослари кенг таҳлил қилинган.

Ўзбекистон молия бозорини ривожлантиришида мақсадида маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб қилишида ислом тамоилларига асосланган моливий ресурсларни ва инвестицияларни жалб этиши масалалари кўриб чиқилган. Микро молия ташкилотларининг хилма хиллигини ташкил этиши, турли молиявий хизматларни таклиф этишида исломий микро молия ташкилотларининг ўрни таҳлил қилинган. Ўзбекистон молия бозорида ислом молиясини ривожлантириши имкониятлари ва бу борада амалга оширилиши керак бўлган вазифалар йўналишилари белгилаб берилган.

Калим сўзлар: ислом, ислом молияси, ислом банклари, ислом микромолия ташкилоти, молиявий хизматлар, рибо, майсир, гарар, ислом молияси тамоиллари.

THE ROLE AND SIGNIFICANCE OF GLOBAL MICROFINANCIAL ORGANIZATIONS IN THE FINANCIAL MARKET OF UZBEKISTAN

Abstract. The article analyzes the development trends of Islamic finance, widely used in the global financial market and global industry. The issues of attracting Islamic financial resources and investments for the development of the national economy, strengthening and modernizing production capacities, attracting domestic and foreign investments, introducing new technologies in production are considered. The history of the development of Islamic finance is described, the role of the Islamic banking system in the banking system of the world and the leading countries in this area is assessed. The possibilities for the development of Islamic finance in Uzbekistan and the tasks that need to be solved in this direction are determined.

Keywords: Islam, Islamic finance, Islamic banks, Islamic financial system, financial services, principles of Islamic finance.

РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ ГЛОБАЛЬНЫХ МИКРОФИНАНСОВЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ НА ФИНАНСОВОМ РЫНКЕ УЗБЕКИСТАНА

Аннотация. В статье подробно анализируются роль и значение исламских микрофинансовых организаций, тенденции развития и правовые основы в мировой экономике и быстро развивающемся финансовом рынке Узбекистана в современном глобальном мире. В целях развития финансового рынка Узбекистана, привлечения местных и иностранных инвестиций были рассмотрены вопросы привлечения финансовых ресурсов и инвестиций на основе исламских принципов. Проанализирована роль исламских микрофинансовых организаций в организации многообразия микрофинансовых организаций и предоставлении различных финансовых услуг.

Определены возможности развития исламских финансов на финансовом рынке Узбекистана и направления задач, которые предстоит реализовать в этом направлении.

Ключевые слова: Ислам, исламские финансы, исламские банки, исламские микрофинансовые организации, финансовые услуги, рибо, майсир, гарар, принципы исламских финансов.

Кириш

Жаҳон иқтисодининг ривожланишида молия бозорлари бекиёс ўрин тутади. Ҳозирги кунда дунё аҳолисининг учдан бир қисмини мусулмонлар ташкил қилади. Бу эса ўз навбатида ислом молияси шартлари асосида хизмат кўрсатадиган микро молия ташкилотларига бўлган талабнинг юқори эканлигига асос бўлади.

Ўзбекистонда жадал равишда ижтимоий-иктисодий ислоҳотлар амалга оширилаётган ҳозирги даврда барча соҳалар қатори молия секторини ҳам ривожлантиришга ва янги манбалар билан бойитишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Дунёning етакчи иқтисодиётларида жадал ривожланиб бораётган ислом молиясини мамлатимиз иқтисодиёти ва молия бозорига татбиқ этишга зарурият туғилмоқда. Ана шу мақсадда жаҳонда оммавийлашиб бораётган, айниқса, тараққий этган европа, АҚШ осиёнинг бир қатор давлатларида ривожланиб бораётган ислом молиясини миллий иқтисодиётимизга жойи этиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Президенти муҳтарам Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, «мамлакатимизда ислом молиявий хизматларини жорий этиш бўйича хуқуқий базани яратиш вақт-соати етиб келди» [1]. Шу муносабат билан мамлакатимизда ислом иқтисодиёти ва молиясининг қонуний асосларини яратиш, назарий ва амалий жиҳатларини ўрганиш учун зарурият вужудга келди.

Бу борада ҳукуматимиз томонидан бир қатор қарор ва низомлар қабул қилинаётгани мисол бўлади. Айниқса Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан 2024 йилнинг 26 июлида қабул қилинган: “Микромолия ташкилотлари томонидан исломий молиялаштиришга оид хизматларни кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 3536 -қарори айни мудда булди.

Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг ривожланишида молия бозорларининг тез суръатлар билан ривожланиб борётганлиги муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда дунё молия бозорида ислом молия ташкилотларининг улуши 4 трлн. ақш долларидан ошмоқда, бу дунё молия бозорининг 2% ни ташкил қилади. Тўғри бу дунёning қарийб 1/3 қисмини мусулмонлар ташкил қилишини эътиборга олсак жуда кичик курсаткичdir. Лекин 2008 йилги жаҳон иқтисоди кризиси даврида энг чидамли молия тизими эканлигини намаён этди. Ҳозирги кунда юқори темпларда йиллик 15-20% лик ўсишга эришмоқда. Бу эса дунёда ислом банклари сони 500 та турли молия ташкилотлари сонини 2000 дан ошганлигига кўринади.

Юқоридаги асослар ва мулоҳазалардан келиб чиқиб жадал ривожланиб бораётган миллий иқтисодиётимизга дунёning ислом банкларининг инвеститциялари ва маблағларини жалб қилиш орқали ислом микромолия ташкилотларини ташкил қилиш зарурияти пайдо булди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг 3536-қарори ахолисининг асосий қисмини мусулмон динига эътиқод қилувчи қатлам ташкил қиласидаган мамлакатимизда, исломий шартлар асосида фаолият курсатадиган микро молия ташкилотларини ташкил қилиш учун асосий хужжат бўлди.

Тадқиқот методологияси

Ушбу мақола мавжуд иккиламчи маълумотлар, илмий мақолалар, тадқиқотлар, Исломий микромолия ташкилотларининг вебсайти маълумотлари асосида ёзилган.

Мақолани ёзишда гуруҳлаш, таққослаш, илмий абстракция усулларидан фойдаланилган. Мақолада ислом молияси ривожланиш тарихи, жаҳон ва миллий иқтисодиётимиз молия бозорида тутган ўрни мавзусида илмий ва амалий таклифлар ҳамда Ўзбекистон Марказий Банкининг 3536-сонли қарорига шарҳлар берилди.

Таҳлил ва натижалар.

Ислом молия тарихи бундан қарийб 1500 йил аввал яъни ер юзига Пайғамбаримиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам орқали ислом дини туширилиши билан бошланган.

Қисқа муддат мобайнида ислом дини бешиги бўлган шаҳарлар Макка ва Мадина жорий қилина бошлади. Ислом дини бу шаҳарлар иқтисодий ҳаётида ҳам ўз ўрнига эга бўла бошлади.

Муқаддас Куръони Карим оятлари билан таъкиқланган рибо, майсир, ғарар каби тушунчалар бу шаҳарлар молиявий тизимида сезиларли ўзгаришларга олиб келди. Бу илк исломий шартлар асосидаги молия тизимини вужудга келтирди.

Пайғамбаримиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам даврларида марказий Ислом хазинаси бўлган **Байтул-молни** ташкил этилганлиги Ислом молияси тизимининг ривожланиши айнан шу даврдан бошланганлигидан далолат беради. Закот, Ушр, Харож, Жизя, божхона тўловлари, ихтиёрий хайр-эҳсонлар, урушларда қўлга киритилган ўлжалар ва бошқа шу каби даромад ва киримлар Байтул-молнинг асосий манбаи ҳисобланган.

Замонавий дунёда ислом молия тизими ўтган асрнинг 50-йилларида биринчи бўлиб Покистонда замонавий ислом молия ташкилоти **Маҳаллий Ислом банки** ташкил этилиши билан ривожлана бошлади. Кейинчалик 60-йилларга келиб Мисрда, Малайзияда ислом молияси асосида фаолият юритувчи жамғармалар ташкил этилди .

1975 йилга келиб ислом оламида катта янгилик Саудия арабистони ва Бирлашган араб амирлигига икки йирик ташкилот **Ислом Тараққиёт Банки** ва **Дубай Ислом банки** ташкил этилди. Кейинчалик дунёнинг бир қатор давлатлари Эрон, Малайзия, Бахрайн, Судан ҳам ислом молия ташкилотлари ташкил этилди.

Ислом молияси нафақат мусулмон давлатлар балки ривожланган ғарб мамлакатларида ҳам ривожланиб борди, бунга мисол тариқасида:

- “Islamic Banking International Holding” (Люксембург) – 1978 йилда;
- “Dar-al-mal-al-Islami” (Женева) – 1981 йилда;
- “Al-Baraka” гуруҳи ва Дания халқаро Ислом банки (Дания) – 1982 йилда;
- “Islamic Finance House” (Лондон) – 1983 йилда ташкил этилган ислом молия ташкилотларини келтириш мумкин.

Куриб турганимиздек бутун дунёда ислом молия ташкилотлари ўзининг барқарор ривожланиш тарихига эга. Бугунги кунга келиб дунёда 500дан ортиқ ислом банклари ва 2000 дан ортиқ турли исломий молия ташкилотлари фаолият юритмоқда.

Бу таҳлиллар шуни курсатадики жаҳон молия бозорида ислом молия асосида фаолият юритувчи ташкилотлар жадал суръатлар билан ривожланиб ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда.

Ҳеч кимга сир эмаски жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган миллый иқтисодиётимизда яширин иқтисодиётнинг салмоғи анчагинани ташкил қилади. Бу яширин иқтисодиётнинг бир қисмини ананавий молиявий хизматлардан фойдаланиш ўз эътиқодига зид билган мусулмон тадбиркорлар ташкил қилади.

Хозирги кунгача тадбиркорларимизда исломий шартлар асосида кредит олиш, тармоқларга инвестиция киритиш ва бошқа молиявий хизматлардан фойдаланиш имконияти деярли йўқ эди бўлса ҳам жуда паст эди.

Юқоридаги сабабларга кўра молия бозорида ноқонуний тарзда насия савдо, инвестиция киритишнинг ўз аро ишонч асосида шерикчиликнинг исломий шартлар асосида кўринишлари тадбиркорлар орасида ривожланган анча ривожланган. Буни биз автомобиль савдосининг насия савдо (выкуп) шаклида уй бозорида насия савдо ва бошқалар мисолида кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан 2024 йилнинг 26 июлида қабул қилинган: “**Микромолия ташкилотлари томонидан исломий молиялаштиришга оид хизматларни кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**” 3536-сонли қарорини юқорида келтирилган муаммолар ечими сифатида кўришимиз мумкин. Бу қарор билан шу пайтгача қонуний асосларда тўлиқ исломий шартлар асосида фаолият юритадиган микромолия ташкилотлари ва инвестиция компанияларини ташкил қилиш имкони юзага келди.

Бу қарор билан микромолия ташкилотлари исломий шартлар асосида бир қатор хизматларни кўрсатиш имконига эга бўлди. Бу хизмат турлари қўйидагилар:

- Насия савдога асосланган молиялаштириш (муробаҳа) хизматини кўрсатиш;
- Исломий ижара хизматини кўрсатиш;
- Ижара обектини кейинчалик сотиб олиш шарти асосида (ижара мунтахийя биттамлик) исломий ижара хизматини кўрсатиш;
- Олдиндан тўловга асосланган молиялаштириш (салам) хизматини кўрсатиш;
- Фойдани тақсимлашга асосланган молиялаштириш (музораба) хизматини кўрсатиш
- Шерикчилик - фойда ва заарларни тақсимлашга асосланган молиялаштириш (мушорака) хизматини кўрсатиш;

Юқорида келтирилган хизмат турлари бугунги кунда тадбиркорларимиз узаро ишонч асосида ноқонуний равища фойдаланиб келаётган хизматларнинг энг асосийларидир . Эндики кунда қонуний асосга эга бўлган насия савдо (муробаҳа) хизмати билан автомобиль савдосининг ноқонуний кўриниши булган “выкуп” савдоларга чек қўйиши мумкин, бу ўз навбатида иқтисодиётнинг шу қисмига мансуб қисмини легаллашига олиб келади.

Фойдани тақсимлашга асосланган молиялаштириш (музораба) хизмати ўз маблағига эга бўлмаган лекин самарадор лойиҳаси бўлган тадбиркорларимиз учун айни муддао бўлди.

Чунки бунда тадбиркор микромолия ташкилотидан олинган маблағ учун қатъий белгиланган фойда туламайди. Бу юқоридаги низом бандларида қуйидагича “Фойдани тақсимлашга асосланган молиялаштириш хизмати доирасида тузилган шартномага тарафларнинг олинган фойдадан қатъий белгиланган сумма кўринишида фойда олиши юзасидан шартлар киритилиши мумкин эмас” [2]кўрсатилган. Бу тадбиркорларга катта имкониятлар яратмоқда.

Мунозара

Ислом микромолия ташкилоти миллий иқтисодиётимизга қанчалар зарур эканлиги юқоридаги таҳлиллар натижасида кўриниб турибди.

Ислом микромолия ташкилотлари аҳолисининг кўп қисмини мусулмонлар ташкил қиласидан мамлактимизда аҳолидан кўпроқ маблағ жалб қилиш, яъни депозит йиғиш имкониятига эга. Айнан шу омил мамлакатимизда аҳолисининг бўш пул маблағини жалб қилиш ва уни ишлаб чиқаришга инвестиция қилиш имконини беради. Бундан, тадбиркор, банк ва мижоз бирдек манфаатдор бўлади. Шунингдек, нақд пулнинг аҳоли қўлида қолиб кетишини олдини олади ва иқтисодиётда айланишини таъминлайди. Бу ўз навбатида миллий иқтисодиётимизда инфляцияни камайтириб аҳолининг қўшимча даромадларига сабаб бўлади

Юқорида келтирилган қарор юртимиз тадбиркорлари ўзоқ йиллар кутган қарор эди.

Бу қарор миллий иқтисодиётимиз молия бозорини янги босқичларга олиб чиқишига сабаб бўлишига ишониб қоламиз.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>.
2. "Mikromoliya tashkilotlari tomonidan islomiy moliyalashtirishga oid xizmatlarni ko'rsatish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida". QMMB: 10/24/3536/0560-son 26.07.2024-y.
3. Islamic Finance Outlook 2024 Edition. spglobal.com/ratings.
4. Hasanuzzaman, S. M. (1984). "Definition of Islamic Economics", Journal of Research in Islamic Economics, 1(2), pp. 51-53.
5. "Исломий молияга кириш", Муфтий Мухаммад Тақий Усмоний, Maktaba Ma'ariful Quran Karachi – 75180, 2007 йил, Mehran Printers, Karachi.
6. Tursunov, A. S. (2022). Islomiy mikromoliyalashtirishning kambag'allikni qisqartirishda tutgan o'mni. Пандемиядан кейинги иқтисодиёт: рисклар, муаммолар, ечимлар» мавзуидаги ўtkaziladigan xalqaro ilmий-amaliy konferenцияси мақолалар тўплами (2022 йил 30 март). Т.:YTIT, 2022
7. www.worldbank.org
8. www.lex.uz
9. www.isdb.org
10. [https://akhawatuk.org/](http://akhawatuk.org/)